

 <p>SUPPORT SCIENCE</p>	<h2>ORIENTAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES</h2> <p>journal homepage: https://www.supportscience.uz/index.php/ojss</p>	
--	---	---

THE HIDDEN THREAT TO HUMAN CONSCIOUSNESS AND THINKING CONTENT ANALYSIS OF SOCIO-POLITICAL SERIES AND PROGRAMS

Ravshanjon Omonov

*Candidate of Political Sciences, Deputy Dean of the Faculty of Journalism and Uzbek Philology
National University of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: political consciousness, political thought, subculture, media content, reality show, talk show on television, media, broadcast, telenovela, TV series, clip, cartoon, song, advertising, media.

Received: 03.02.25

Accepted: 05.02.25

Published: 07.02.25

Abstract: As you know, the mass media prepare media products in order to increase the socio-political consciousness and culture of citizens, as well as provide cultural leisure. However, at the same time, closed to the consciousness of citizens, turning topics whose discussion is not considered purposeful, based on existing social norms, into an object of humor, ultimately, various entertainment and humorous projects that in society penetrate into forms of morality, intimate, fascist, Uzbek society, as well as There is also a growing number of concert programs in this area, which is why this article analyzes films, TV series, novellas, prose, music, music videos and other media that affect the minds and hearts of citizens., by making negative changes to the existing system of traditional social relations, values and worldview. ring's lifestyle is ultimately linked to society, "mass culture," "subculture," and its elements. It can be said that the analysis of the current situation involves the introduction through the media of a mechanism aimed at the preparation and systematic transmission of content aimed at increasing the political consciousness and thinking of citizens, as well as eliminating ideological threats in the information space directed directly against individuals and society.

ИНСОН ОНГИ ВА ТАФАККУРИГА ЯШИРИН ТАҲДИД СОЛУВЧИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТУРКУМ КЎРСАТУВ ВА ДАСТУРЛАР КОНТЕНТ ТАҲЛИЛИ

Равшанжон Омонов

Журналистика ва ўзбек филологияси факультети декан ўринбосари, сиёсий фанлар номзоди

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: сиёсий онг, сиёсий тафаккур, субмаданият, медиаконтент, реалитий ток-шоу, телеўйин, телекўрсатув, оммавий ахборот, эфир, теленовелла, телесериал, клип, мултфильм, кўшиқ, реклама, медиа.

Аннотация: Маълумки, оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий онги ва маданиятини ошириш, шунингдек, маданий ҳордиқ чиқаришини таъминлаш мақсадида медиа маҳсулоти тайёрлайди. Бироқ, айтилган вақтда фуқаролар онгига ёпиқ, муҳокама қилиниши мавжуд ижтимоий нормаларга асосан мақсадга мувофиқ кўрилмайдиган мавзуларни юмор объектига айлантириб, пировардида, жамият орасида ахлоқсизлик, интим, фахш, ўзбек жамиятига зид бўлган ҳулқ-атвор шакллари онг остига сиздираётган турли хил кўнгилочар ва ҳазил-мутойиба лойиҳалар, шунингдек, ушбу йўналишдаги концерт дастурларининг кўпайиб бораётгани фуқаролар онгида эртанги кунидан ҳавотирни юзага келтирмоқда. Шунинг учун ҳам мазкур мақолада фуқаролар онги ва қалбига таъсир этиб, мавжуд анъанавий ижтимоий муносабатлар тизими, кадрларга ва ҳалқнинг турмуш тарзига салбий ўзгартиришлар киритаётган, пировардида, жамият орасида “оммавий маданият”, “субмаданият” ва унинг унсурларини юзага келтираётган фильм, сериал, новелла, кино, мусиқа, клип ва бошқа медиаконтентлар таҳлилга тортилган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мавжуд вазият таҳлили ОАВ орқали фуқаролар сиёсий онги ва тафаккурини оширишга қаратилган контентларни тайёрлаш ва тизимли равишда узатиш ҳамда бевосита шахс ва жамиятга қаратилган ахборот маконидаги ғоявий таҳдидларни бартараф қилишга қаратилган механизм жорий этишни тақозо қилмоқда.

СКРЫТАЯ УГРОЗА ЧЕЛОВЕЧЕСКОМУ СОЗНАНИЮ И МЫШЛЕНИЮ КОНТЕНТ-АНАЛИЗ ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКИХ СЕРИАЛОВ И ПРОГРАММ

Равшанжон Омонов

Заместитель декана факультета журналистики и узбекской филологии, кандидат политических наук

Национального университета Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: политическое сознание, политическая мысль, субкультура, медиаконтент, реалити-шоу, ток-шоу на телевидении, медиа, трансляция, теленовелла, телесериал, клип, мультфильм, песня, реклама, медиа.

Аннотация: как известно, средства массовой информации готовят медиапродукцию с целью повышения общественно-политического сознания и культуры граждан, а также обеспечения культурного досуга. Однако, в то же время, закрытые для сознания граждан, превращающие темы, обсуждение которых не рассматривается как целенаправленное, основанное на существующих социальных нормах, в объект юмора, в конечном счете, различные развлекательные и юмористические проекты, которые в обществе проникают в формы морали, интимные, фашистские, узбекского общества, а также а также растущее число концертных программ в этом направлении, которые Именно поэтому в данной статье анализу подвергаются кинофильм, сериал, повесть, проза, музыка, клип и другие медиаконтенты, воздействующие на умы и сердца граждан, внося негативные изменения в существующую систему традиционных общественных отношений, ценностей и мировоззрения. стиль жизни ринга, в конечном счете, связан с обществом, "массовой культурой", "субкультурой" и ее элементами. Можно сказать, что анализ текущей ситуации предполагает внедрение через СМИ механизма, направленного на подготовку и систематическую передачу контента, направленного на повышение политического сознания и мышления граждан, а также на устранение идеологических угроз в информационном пространстве, направленных непосредственно против личности и общества.

КИРИШ

Сўнги йилларда мамлакатда амалга оширилаётган ахборот ва сўз эркинлиги сиёсати, бевосита оммавий ахборот воситалари учун, шу ўринда, электрон ОАВнинг замонавий талаблари ва стандартларидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондирувчи халқчил хусусий телеканаллар учун ҳам тўлақонли фаолият юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий заминларини яратиб берди.

Қайд этиш керакки, хусусий телеканаллар ўзларининг ташкил топиши ва шаклланиши даврларида, айниқса, 2016 йилнинг иккинчи қисмидан бошлаб ўзига хос муҳим ривожланиш палласига кирди. Хусусан, нодавлат телеканаллар ахборот тарқатишнинг замонавий усуллари ва механизмларидан фойдаланган ҳолда қисқа вақт ичида Республика бўйлаб катта аудиторияни нодавлат эфир контентларига қаратишга муваффақ бўлди. Ўз навбатида, интернетда ўз саҳифаларини яратди, шунингдек, ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ва видеохостингларда ҳам барча эфирларни сақлаш, қайтариб кўриш ва юклаб олиш имкониятини юзага келтирувчи канал, гуруҳ ва профиллар шакллантириб аҳолининг катта қисмини қамраб олди.

Хусусий телеканалларнинг аҳоли орасидаги халқчил ахборот тарқатиш манбааси эканлиги ҳамда оммабоплиги тўғрисидаги реал фактлар ва натижалар, бу борада ОАВнинг ушбу тури ёрдамида жамиятда фаол тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказиш, шунингдек, фуқаролар онги, тафаккури ва билимларини оширишга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш ва бу орқали ҳар қандай ғоявий таҳдидларга қарши курашиш, шу орқали жамиятда ғоявий-сиёсий консолидацияни юзага келтириш мумкин эканлигини кўрсатмоқда.

Мавжуд маълумотлар таҳлили, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хусусий телеканалларнинг жамиятга салбий таъсир қилиб, ғоявий-сиёсий консолидацияни ортга сураётганлигини кўрсатмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мавзуга оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, сўнги вақтларда ахборот маконидаги хусусий телеканаллар ахборот узатиш функциясини бажариш давомида, эфир дастурларидан жой олган баъзи кўрсатувлар, ижтимоий-сиёсий, маиший, реалитий ток-шоулар, кўнгилочар дастурлар, телеўйинлар, кинофилм, телесериал, теленовелла, клип, мултфилм, кўшиқ, реклама ва бошқа медиамаҳсулотларни намойиш қилиш орқали томошабинлар аудиториясига салбий таъсир кўрсатиш ҳолатлари юзага келаётганлигини тасдиқламоқда. Мазкур ҳолатлар бўйича миллий ва халқаро экспертлар томонидан доимий равишда илмий тадқиқотлар ўтказиб келинмоқда. Улар орасида D.Freelon, C.Wells. Ю.Хабермас, Г.Лассуэлл, Г.Мельник,

Ш.Кудратхўжа, Ш.Пахрутдинов, Ф.Мўминов, Б.Алимов, Н.Жўраев, Я.Маматова, А.Каримов, Н.Қосимоваларнинг тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга.

Таҳлил ва натижалар. Томошабинлар аудиториясига салбий таъсир кўрсатиш ҳолатларининг салбий жараёнларини чуқур, илмий асосда ўрганиш ва тизимли таҳлил қилиш учун уларни хусусий телеканал эфир контентлари мазмуни, йўналиши, аудиторияси, ҳажми ва таъсир хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шартли равишда бир нечта гуруҳларга ажратиш мумкин.

Жамият орасида Ўзбек халқининг бой тарихи, миллий қадриятлари, урф-одатлари, анъана ва менталитетига зид бўлган тушунчаларни тўлиқ ёки қисман тарғиб этаётган ижтимоий ва маиший мавзулардаги кўрсатувлар ва ток-шоулар.

Қайд этиш керакки, хусусий телеканалларнинг эфир вақтидаги ижтимоий ва маиший мавзуларга бағишланган кўрсатув ва турли хил ток-шоулар аҳоли эътиборини тортиш, аудиторияни кенгайтиришда қулай контент тури ҳисобланади. Чунки, ушбу кўрсатувда олиб чиқлаётган мавзулар асосан кундалик ҳаётдаги ижтимоий масалаларга бағишланган бўлиб, унинг иштирокчилари ҳам аксар ҳолларда оддий халқ вакили бўлади.

Ҳозирги вақтда оммабоп хусусий телеканалларнинг бир ҳафталик эфир дастурларидаги ушбу турдаги кўрсатувларнинг умумий вақти ва жаъми эфир вақтидаги улуши, бу борада олиб борилаётган таҳлил учун керакли маълумот саналади. Хусусан, қуйидаги жадвалдан кўришиб турибдики, “Zo‘r TV” телеканали бу борада энг кам кўрсаткич **3.4%** ни, “Milliy TV” телеканали эса энг кўп қиймат **6.8%** ни ташкил этмоқда.

Хусусий телеканаллар орқали намойиш этилаётган теледастурларнинг ҳафталик жадвали вақт таснифи

(2024 йил январь-декабрь ойлари мисолида)

№ т/р	Кўрсатув (дастур, контент) тавсифи	Бир ҳафталик умумий эфир вақтидаги улуши(фоизда, дақиқада)			
		“Zo‘r TV”	“MY5”	“Milliy TV”	“Sevimli TV”
1	Ижтимоий ва маиший мавзулардаги кўрсатувлар ва ток-шоулар	3.4% (345 дақ.)	5.1% (530 дақ.)	6.8% (540 дақ.)	3.6% (360 дақ.)

Қайд этиш керакки, сўнги йилларда давлатнинг ахборот соҳасидаги очиқлик сиёсати ўлароқ, бутун ОАВ тизимида, шу ўринда, хусусий телеканаллар фаолиятида ҳам шиддат билан ривожланиш тенденцияси юз берди. Жумладан, авваллари муҳокама қилиниши, эфирга олиб чиқилиши, намойиш этилиши мақсадга мувофиқ кўрилмаган ва

ТВ сенсорлар томонидан рад этилган айрим контентларга тўлақонли рухсат берилгани ортидан хусусий телеканалларнинг аудитория учун ўзаро рақобат муҳити юзага келди.

Ушбу рақобат жараёнида қўплаб хусусий телеканаллар имкон қадар аудиторияни қизиқтириш, уни экран олдида чорлаш, унга боғлаб қўйиш ва ушбу кетма-кетликни тизимли даражага олиб чиқиш мақсадида асосан кўнгилочар дастурлар яратишга киришиб кетишди. Бу борада қўшни давлатлар, МДХ давлатлари ва Европа каналларида урфга кирган ҳамда кўпчилик мухлисларни эътиборини тортган, ўзига боғлаб қўйган кўрсатувлардан андоза олишди.

Бу эса аҳолиси сиёсий масалалардан анча йироқ бўлган, сиёсий онг ва маданият етарли даражада шаклланиб улгурмаган, ахборот олиш ва уни таҳлил қилиш борасида меъёрий кўникмаларга эга бўлмаган, шунингдек, аҳолисининг кўпчилик қисми ишсиз ёки доимий иш билан банд бўлмаган ҳамда ёши катталар, уй бекалари ва ёш болалардан иборат бўлган катта аудиторияга эга Ўзбек жамияти учун улар эътиборини тортишда жуда ҳам қўл келди. Қолаверса, сўнгги йилларда давлат ҳокимиятини ташкил этишда демократик тамойилларнинг амалиётда бевосита қўлланилиши аҳолини ОАВга бўлган ишончини оширди, шунингдек, унга яқинлаштирди. Умуман олганда, жамият орасида намоёниш этилиши ортидан фуқароларга салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор кўрсатувлар ва медиамаҳсулотлар таҳлил этилди.

“Zo‘r TV” каналининг “Ёр-ёр” ва “Юракдан гапирамиз” кўрсатувлари. Ушбу кўрсатувлар мазмун-моҳияти, бош ғояси, олиб борилиши юзасидан амалга оширилган контент-таҳлил натижалари бўйича шаклланган хулосаларни тизимлаштирган ҳолда қуйидаги салбий жиҳатлар алоҳида ажратиб олинди:

- кўрсатув ғоясига кўра турмуш ўртоғ қидириб ТВга чиқиш масаласи Ўзбек кадриятига, умуман олганда бизнинг жамиятда шаклланган ижтимоий хулқ-атвор нормаларига зид;

- кўрсатувни янада кўнгилочар қилиш, ўз аудиториясини ошириш мақсадида, ижодкорлар томонидан жисмоний ва руҳий ҳолатида нуқсонли бўлган иштирокчиларни таклиф этиши ҳолатлари пировардида кенг жамоатчилик орасида кулгуга ва ўз навбатида кенг муҳокамаларга сабабчи бўлмоқда;

- бевосита кўрсатув давомида иштирокчиларнинг оилавий муносабатларга ва кадриятларга нисбатан енгил-елпи қарашларни, беписанд фикрларни билдириши, шунингдек, жамият учун бутунлай салбий мазмундаги ёки ноанъанавий характердаги “оилавий янгиликларни” иштирокчилар томонидан сўзлаб берилиши ҳамда ўта шахсий ҳаётига оид бўлган маълумотларни ТВ орқали баён қилиши ҳолатлари;

- кўрсатув бошловчиларидаги журналистик профессионализмнинг саёзлиги, адабий тилга нисбатан хурматсизлик ва ТВ этикасига тўғри келмайдиган провакацион саволларнинг берилиши ҳолатлари;

- хусусий телеканалларнинг рақобат учун кураш фонида, кўрсатувни тасвирга олиш жараёни тугамасидан келгусида эфирга узатилмайдиган кесиб олинган айрим қисмларини (кулгули ёки эътирозли мазмундаги маънавий саёз мулоқот жараёни) ижтимоий тармоқлар орқали “PR” қилиш;

- кўп сонли эътирозларга қарамасдан кўрсатувнинг ислоҳ қилинмаслиги ва жамоатчилик фикрининг инобатга олинмаётганлиги ҳолатлари.

Мазкур кўрсатувларнинг келтириб ўтилган ушбу салбий жиҳатларида акс этган фикр-мулоҳазаларни янада чуқурроқ ўрганиш ва тушуниб етиш мақсадида унинг эфирга узатилган ҳамда “You Tube” видеохостингидаги блогига жойлаштирилган бир нечта сонларини контент-таҳлил қилишга уриниб кўрилди (19-иловага қаранг).

Унга кўра, кўрсатувнинг ушбу сонлари таҳлили, ҳақиқатдан ҳам унинг бош ғоясида шахс ва жамиятнинг инсоний манфаатлари акс этмаётганлиги, аксинча кўрсатув рейтингини ошириш ва аудиторияни кенгайтиришга қаратилганлиги, шунингдек, бевосита кўрсатувни олиб боришда иштирокчилар билан боғлиқ саралаш жараёнларини тўғри ташкил этилмаслиги, эфир давомида жамиятдаги мавжуд ижтимоий қадриятлар ва хулқ-атвор нормаларидан четга чиқиб, ёш, оила ва инсоний муносабатлар билан боғлиқ турли хил ахлоқсизликларни очиқланиши ҳолатларининг юз бериши ўз тасдиғини топмоқда.

Бунинг натижасида, жамият учун муқаддас саналган туйғулар, одоб-ахлоқ тушунчалари ва бошқа маънавий тўлдирувчиларни кулгу объектига айланаётгани, шу билан бирга, ушбу медиаконтентларнинг тегишли қисмлари ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилиб янада кенгроқ аудиторияни қамраб олаётганлиги ордидан кўрсатувни маънавий емирувчи манбага айланиб бораётганлигини қайд этиш мумкин.

“МУ5” телеканалининг “Амирхон Умаров шоуси” кўрсатувни. Мазкур кўрсатув жамиятдаги ижтимоий, маиший ва қисман сиёсий мазмун касб этувчи масалаларни олиб чикувчи ва студиядаги экспертлар орасида муҳокама қилувчи кўрсатув сифатида фаолият юритиш билан бир қаторда, куйидаги салбий жиҳатларни ҳам юзага келтирмоқда:

- муҳокама қилиниши жамият учун моддий ёки маънавий наф олиб келмайдиган, аксинча телеканалнинг ёки ушбу кўрсатувнинг рейтинги учун хизмат қилувчи, шунингдек, фақатгина тор доирадаги инсонлар тақдири билан боғлиқ, кенг муҳокама қилиниши жамият орасида тегишли муаммони бартараф этишдан кўра кўпроқ

ривожлантириб юборувчи “ўта шахсий” ёки “ўта ёпиқ” мавзуларнинг кун тартиби этиб белгиланиши ҳолатлари;

- кўрсатув доирасида, бошловчи томонидан вазиятни янада кескинлаштирувчи ва томонларни ўзаро конфликтга киришишига замин яратувчи провакацион саволларни ўртага ташлаши, бунинг ортидан юзага келадиган нокулай вазиятлар трансляциясидан канал рейтинги учун манфаатдорлик ҳамда бошловчининг сунъий импровизацияси;

- бош мақсад сифатида кўрсатув аудиториясини ва рейтингини ошириш белгилаб олинганлиги ортидан, ижодкорлар томонидан кўрсатувда рухий ва жисмоний носоғлом бўлган фуқароларнинг иштирокига йўл қўйиб берилиши ҳолатлари;

- кўрсатув доирасида жамиятдаги юриш-туриш қоидаларини қасддан бузилиши, ўзаро жанжаллашиш, турли хил ахлоқсизликка йўғирилган фикрларни айтиш, ҳақорат қилиш, бир-бири билан жисмоний конфликтга киришиб кетиши ҳолатларини зудлик билан олдини олиш чоралари кўрилмаслиги ортидан аксинча ушбу салбий жараёнларни тарғиб этилиши юз бераётганлиги;

- кўрсатув доирасида иштирок этаётган турли хил экспертларнинг профессионаллик даражаси ва билимининг саёзлиги.

“Амирхон Умаров шоуси” кўрсатувининг келтириб ўтилган ушбу салбий жиҳатларида акс этган фикр-мулоҳазаларни янада чуқурроқ ўрганиш ва тушуниб етиш мақсадида унинг эфирга узатилган ҳамда “You Tube” видеохостингидаги блогига жойлаштирилган бир нечта энг оммабоп сонларини **контент-таҳлил** қилишга уриниб кўрилди (20-иловага қаранг).

Унга кўра, ўтказилган контент-таҳлил натижалари, мазкур кўрсатувнинг бош ғоясида шахс, жамият ва давлат учун ижтимоий аҳамият касб этувчи муаммоларни юзага чиқариш, уларни муҳокам қилиш ва унга ечим топишдан кўра, ҳамма учун қизиқ бўлган ном остидаги ўта шахсий мазмундаги масалаларни эфирга олиб чиқиш, айниқса оила ва яқин қариндошлар ўртасидаги шахсий адоват, нафрат, ўзаро тортишув, шунингдек, зўрлаш, тажовуз, босқинчилик ва бошқа жамият психологиясига, **аҳоли ижтимоий кайфиятига агрессив импульс** беришга қаратилган, пировардида канал аудиториясини ва рейтингини оширишга олиб келувчи мақсадга эришиш ғояси устувор эканлигини кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кўрсатув ижодкорлари томонидан жараённи янада “қизгин” қилиш, барчани эътиборини, шу ўринда, келгусида ижтимоий тармоқларда ҳам шов-шув кўтариш мақсадида, кўрсатув давомида бошловчининг вазиятни

манипуляция қилишига замин тайёрлаш учун қасдан рухий ва жисмоний носоғлом иштирокчиларни жалб қилишмоқда.

Бунинг оқибатида, қолаверса, ушбу кўрсатувнинг юқорида таъкидланган рейтинг учун олиб бораётган тактикаси шароитида аҳоли ижтимоий кайфиятида бир қатор салбий ўзак (ғоявий элементларни ўз ичига олувчи) ўзгаришлари кузатилган.

Биринчидан, фуқароларда ахборот ва сўз эркинлигини юзага чиқариш ва шахсий (оилавий) маълумотларга оид тафсилотларни очиқлаш масалаларида тушуммовчилик юзага келган ёки ҳар иккисини бир маънода кўришдек салбий ёндашув тенденцияси шаклланган.

Иккинчидан, жамиятда мавжуд муаммоли масалаларни тўлиқ ёки қисман ҳал этиш учун айнан фуқароларнинг ўзлари томонидан саъй-ҳаракат, интилиш ва ирода, шунингдек, рационал ва объектив қарорлар қабул қилиш ҳамда уни амалда юзага чиқариш талаб этилган тақдирда ҳам ТВни барча муаммоларнинг тўлақонли ҳал қилувчи ечим манбаси сифатида кўриш.

“Sevimli TV” телеканалининг “Маҳаллада дув-дув гап”, “Янги ҳаёт” ва “Орамиздаги одамлар” кўрсатувлари. Мазкур кўрсатувлар жамият орасидаги чуқур ижтимоий масалаларни муҳокама қилиш ва яқунда тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш форматида фаолият юритувчи медиадастур бўлиши билан бир қаторда, намоёиш этилиши давомида аудиторияга қуйидаги салбий таъсирини кўрсатмоқда:

- кўрсатув доирасида, ўта шахсий характердаги оилавий муносабатларда юз берган зиддиятли воқеяликларни батафсил очиқланишига ва муҳокама қилинишига замин яратиб берилиши;

- фуқаролар онгидаги шарқона менталитетга асосланган шахсий маълумотларини муҳофаза этишга оид ижобий консерватив қарашларини емирувчи ғояларни илгари суриш ва уни бевосита ташвиқ этиш;

- ўта шахсий оилавий конфликтларни тизимли равишда намоёиш этилиши натижасида, жамият орасида, айниқса ҳаётининг масъулиятли босқичларига ўтиб улгурмаган ёшлар онгида оила, уни ташкил этувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатларга (ота-она, эр-хотин, ака-сингил ва бошқа қариндош-уруғчилик муносабатлари шакли) нисбатан салбий қарашларни ва кескин кайфиятни шакллантириб қўйиши;

- кўрсатувни ташкил этиш ва уни олиб боришда асосий мақсад канал рейтингини ошириш ва аудиторияни кенгайтиришга қаратилгани асносида, жамият орасида

муҳокамаларга сабаб бўладиган мавзулар ташкилотчиларнинг ўзлари томонидан шакллантирилиб кейинчалик эълон берилаётганлиги.

Кўрсатувнинг таҳлили бевосита қуйидаги хулосаларни шакллантиришга асос бўлди:

Биринчидан, экранга олиб чиқиляётган мавзу доирасидаги муҳокамаларнинг асл мазмун-моҳияти ушбу масалалар асосан оилаларнинг шахсий доирасига кирувчи масалалар эканлиги, шунингдек, юзага келган муаммонинг тўғридан-тўғри ечими ҳам айнан ушбу бахсли жараён иштирокчиларининг ихтиёрий қарорларига боғлиқ эканлигини, қолаверса, ушбу индивидуал қарорларни қабул қилиниши ҳуқуқий-демократик жамият шароитида ОАВ билан боғлиқ жамоатчилик назоратига мантқан алоқаси йўқлигини тасдиқламоқда;

Иккинчидан, канал рейтингини ошириш ва кўрсатув аудиториясини кенгайтириш мақсадида, дастур эфирга узатилишидан аввал реклама ва анонсларда, кейинчалик, кўрсатув тўлиқ видеосини ижтимоий тармоқ ва видеохостингларга жойлаштиришда, мазкур сон (кўрсатув) номи ва унда акс эттирилган воқеаларнинг тўлиқ мазмунида кескин фарқлар кузатилмоқда;

Учинчидан, муайян кўрсатувда иштирок этаётган экспертларнинг дастур давомида ўзини тутишида, жараёнга объектив холислик асосида фикр билдиришида, ўзаро ҳурмат ва профессионаллик даражасини баҳолашда, у ёки бу даражада эфир саводхонлиги шаклланиб улгурмагана оддий томошабинда ҳам кулгу ва муҳокамалардан иборат эътирозларнинг юзага келаётганлиги.

“Milliy TV” телеканалининг “Зарб” ток-шоуси. Ушбу кўрсатув жамиятдаги турли хил ижтимоий-маиший аҳамиятга эга масалаларни эфирга олиб чиқиш, воқеа ёки жараён иштирокчиси, мурожатчи ва зарурий экспертлар иштирокида муҳокама қилиш, келгусида муаммо юзасидан мақбул чораларни кўриш форматида фаолият юритувчи кўрсатув бўлиши билан биргаликда, бевосита ТВга узатилиш давомида қуйидаги салбий жараёнларни ҳам юзага келтирмоқда:

- жамият орасида, шу ўринда, ижтимоий тармоқ ва медиамаконида оммавий муҳокамаларга сабабчи бўлган, моҳиятан салбий, ўз навбатида муҳокама этилиши акс таъсир кўрсатиши, яъни ушбу муаммони олдини олишдан кўра уни янада авж олдиришга, тарғиб қилишга хизмат қилувчи, муқаддас оилавий қадриятларга ва анъанавий муносабатларга путур етказувчи воқеа-ходисаларни эфирга олиб чиқилиши;

- кўрсатув доирасида мавжуд муаммоли ёки бахсли жараённи мутахассис сифатида тафаккур қилиш, уни ечимини топиш, маслаҳат бериш мақсадида иштирок этаётган

экспертларнинг, айнаи мавзу йўналиши, ҳаёт тажрибаси ва мақбул қарорларни қабул қилиши юзасидан зарурий потенциалга эга эмаслиги.

Мазкур кўрсатув юзасидан олиб борилган контент-таҳлил натижаларига кўра қуйидаги хулосалар шаклланди:

биринчидан, муҳокама этилиши пировардида тарғиботга хизмат қилувчи, мазмун жиҳатидан ўта шахсий оилавий муносабатларни ёки ёпиқ характердаги табуларни ифодаловчи, шу ўринда, оммавий равишда ижтимоий муаммо сифатида эътироф этилмайдиган, айрим ҳолларда ҳаддан зиёд бўрттириб кўрсатилган, бироқ эфирга олиб чиқилиши жамиятдаги ижтимоий-маънавий қадриятлар тизимига путур етказувчи, уни емирувчи контентлардан иборат манбаа эканлигини кўрсатмоқда;

иккинчидан, кўрсатув рейтингини ошириш, уни янада оммабоп қилиш мақсадида, айрим мавзуларни олиб чиқишда, гўёки иштирокчи ўзини танитишини ҳохламаганлиги, хусусан, ўзини танитмасдан монитор орқали мулоқот олиб борган онлайн мувожатчи форматида олиб борилган дастур сонининг сунъийлашиб кетканлиги ва жараённи ҳақиқий эканлигига нисбатан шубҳа мавжудлиги;

учинчидан, муҳокама этилиши мақсадга мувофиқ кўрилмайдиган мавзулар айнан кўрсатув ижодкорлари томонидан шакллантирилиб, бевосита эълон бериш орқали ўз “қаҳрамонлари”ни топмоқда.

Фуқаролар онги ва қалбига таъсир этиб, мавжуд анъанавий ижтимоий муносабатлар тизимига, қадриятларга ва ҳалқнинг турмуш тарзига салбий ўзгартиришлар киритаётган, пировардида, жамият орасида “оммавий маданият”, “субмаданият” ва унинг унсурларини юзага келтираётган филм, сериал, новелла, кино, мусиқа, клип ва бошқа медиаконтентлар.

Ҳозирги вақтда хусусий телеканаллар фаолиятининг асосий қисми аҳолини маданий жиҳатдан дам олиши ва ҳордиқ чиқаришига, шунингдек, каналнинг доимий томошабинлари сонини оширишга қаратилган. Бунинг асосий сабаби сифатида қуйида омилларни санаб ўтиш мумкин:

- фуқароларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишга ва мавжуд маиший кийинчиликлардан чалғишга нисбатан юқори даражадаги эҳтиёжнинг мавжудлиги;

- фуқароларни интеллектуал ёки жисмонан зўриқишга мажбур қилмайдиган, аксинча, ижтимоий аҳамияти юқори даражада бўлмаган маиший воқеяликларни акс эттирувчи, шунингдек, тизимли равишда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ жараёнлар орқали аудиторияни ўзига боғловчи саёз сценарийларга асосланган филм, новелла, клип ва мусиқаларга ҳамда бошқа медиамаҳсулотларга нисбатан эҳтиёжнинг тизимли ўсиб бориши;

- хусусий телеканаллар аудиториясининг ижтимоий бўлиниши: ишсизлар, кексалар, қисман ўрта ёшлилар, шунингдек, ёшлар ва болалардан иборат эканлиги;

- хусусий телеканалларнинг ахборот маконидаги ўз ўрни ва аҳамиятини, шу ўринда, мамлакат телевидениесидаги рейтингини оширишда фуқароларнинг ахборот олиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларни ёритиш, таҳлил қилиш, бевосита мунозарасини ўтказиш, иқтисодиёт ва дунё хабарларидан воқиф бўлишдан кўра, кўнгилочар дастурларга, шунингдек, маданий ҳордиқ олишга йўналтирилган медиамаҳсулотларга бўлган талабнинг устувор эканлиги инобатга олиними;

- замонавий ахборот технологиялари ютуқларидан фойдаланган ҳолда, хусусий ТВда эфирга узатилаётган медиамаҳсулотларни параллел равишда тегишли электрон платформаларга жойлаштириб борилаётгани.

Хусусан, бу йўналишдаги асосий ТВ контент сифатида фильм, сериал ва теленовеллар пешқадамлик қилмоқда. Бунинг асосий сабаби, айнан хусусий телеканалларда бу каби медиамаҳсулотларнинг кўп ишлаб чиқарилаётгани, шунингдек, бевосита ва тегишли платформалар орқали кўришлар сонининг юқорилиги ҳамда аҳоли орасидаги ижтимоий тадқиқотларда шаклланган хулосаларда фильм, сериал ва теленовеллалардаги мавзуларнинг, ҳаттоки бадиий тўқима образларнинг халқ орасида муҳокама объектига айланаётганлигини қайд этиб ўтиш мумкин.

Шу билан бирга, хусусий телеканаллардаги фильм, сериал ва теленовеллаларнинг муваффақиятли трансляцияга эришаётганлиги яна бир сабаби сифатида, сценарийда олиб чиқилаётган айрим мавзуларнинг ҳақиқатдан ҳам реал маиший ҳаётга мос эканлиги, томошабинлар бевосита улар орқали ўзи ва атрофида бўлаётган жараёнларни тасаввур қилаётганлигини келтириб ўтиш мумкин.

Умуман олганда, мамлакатда фаолият юритаётган энг оммабоп хусусий телеканаллар эфир стратегияси вақт ҳажми таҳлили ўтказилганда, бу йўналишдаги ҳолат янада ойдинлашди.

**Хусусий телеканаллар орқали намойиш этилаётган кино, сериал, теленовелла,
музыка, клипларнинг ҳафталик жадвали**

вақт таснифи (2024 йил январь-декабрь ойи мисолида)


№ т/р	Кўрсатув (дастур, контент) тавсифи		Бир ҳафталик умумий эфир вақтидаги улуши(фоизда, дақиқада)			
			“Zo‘r TV”	“МУ5”	“Milliy TV”	“Sevimli TV”
1	Кино, сериал, теленовелла, музыка, клип	Миллий	37.7% (3795 д.)	40.9% (4115 д.)	35.5% (2830 д.)	18.2% (1835 д.)
		Хорижий	28.9% (2915 д.)	39.2% (3950 д.)	36.5% (3520 д.)	53.2% (5350 д.)

Жаъми:		66.6% (6710 д.)	80.1% (8065 д.)	72% (6350 д.)	71.4% (7185 д.)
Шундан, фақат кино, сериал ва теленовелла	Миллий	54.7%	47.2%	44.6%	25.5%
	Хорижий	45.3%	52.8%	55.4%	74.5%

Хусусан, “Zo‘r TV” канали умумий эфир вақтининг 66.6%ини, “Sevimli TV”да 71.4%ини, шунингдек, “MY5” каналининг 80.1%ини ҳамда “Milliy TV” канали 72%ини миллий ва хорижий филм, сериал ва теленовеллалар ташкил этмоқда. Шундан, миллий ва хорижий филмларни ўзаро мутаносиблигини кўриб чиқадиган бўлсак, ўз ўрнида чет эл филмларининг миллий филмларга қараганда кўп эканлигини кўришимиз мумкин.

Эътибор қаратиладиган бўлса, хусусий телеканалларнинг умумий эфиридаги миллий ва хорижий контентлар улуши ҳам бевосита телеканал аудиторияси ҳажмига таъсир этувчи муҳим омил вазифасини бажармоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йилнинг 12 январь куни ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида миллий контент масаласига алоҳида тўхталиб қуйидаги фикрларни билдириб ўткан: “Агар биз Ўзбекистон ахборот маконида миллий контент яратишни ўз қўлимизга олмас эканмиз, дунёдаги воқеаларга миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан баҳо бермас эканмиз, бу ишлар хориждан туриб амалга оширилишига имкон яратиб берган бўламиз. Чунки одамлардаги янгилик, таҳлилий маълумотлар, реал воқеаларга бўлган эҳтиёжни биз тўлдирмас эканмиз, буни бошқалар қилади. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”.



3.1-расм

**Хусусий телеканаллардаги миллий ва хорижий
филмларнинг ўзаро мутаносиблиги диаграммаси**

(2024 йил январь-декабрь ойи мисолида)

Хусусан, миллий контентларни намоиш этиш борасида барча телеканаллар деярли бир хил маромда фаолият юритишаётган бўлса, “**Sevimli TV**” телеканали эфирдаги хорижий контентлар улуши бошқаларникидан бир мунча олдинда бормоқда.

Аудиторияни ўзига жалб этиш мақсадида, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга, фуқароларни қийнаб келаётган турли масалаларга уйғун кайфиятдаги ёки реал ҳақиқатларга асосланган воқеяликларни ўзида акс эттираётган ҳамда дунё кино бозорида катта муваффақият қозонган хориж филмларини ўзбек тилига таржима қилиш ва уни эфирга узатиш канал рейтинги учун алоҳида муҳим рол ўйнамоқда.

Жумладан, қуйидаги кетма-кетликдаги ғояларни илгари сурувчи жориж филмлари телетомошабинларнинг алоҳида эътиборига тушмоқда:

- махсус хизмат, разведка ва контрразведка, жосуслик ва ҳоинлик;
- курулли кучлар, чегара муаммолари, дунёнинг қайноқ нуқталаридаги конфликтлар, миллий озодлик ҳаракатлари, гуманитар интервенция ва йирик давлатларнинг превентив ҳарбий чораларига оид жараёнлар;
- давлат сиёсати, уни шаклланиши, сиёсий элита, ҳокимият учун кураш, сайлов жараёнлари, сиёсий муҳолифат, сиёсий технологиялар;
- жамиятдаги адолатсизлик, коррупция, уюшган жиноятчилик, одам савдоси, хуфиёна иқтисодиёт, мафия;
- экологик муаммолар, сунъий интеллект, космос, атом энергияси, кимё инженерияси ва бошқа илм-фан ҳамда илмий кашфиётлар билан боғлиқ масалалар.

Олиб борилган таҳлиллар хусусий телеканаллар орқали эфирга узатилаётган айрим филм, сериал, кино ва теленовеллалар мазмун-моҳияти, сценарийси, унда кўтарилиб чиқилаётган ва алоҳида урғу берилаётган мавзу, муҳокама объектининг шахс, жамият ва давлат манфатлари кесимида ижтимоий аҳамият касб этмаслиги, аксинча, ўта саёз, драматургиядан холи, жамиятдаги мавжуд ижтимоий қадриятлар ва анъаналарга зид бўлган жараёнларни акс эттирувчи, шунингдек, нормал инсонийлик фазилатларига зид бўлган ахлоқсизлик, фахш ва интим каби ёпиқ характердаги сахналардан иборат, ўз навбатида қораланувчи аммо, инсон эҳтиёжлари ва инстинктларига тўғри пропорционал бўлган воқеа-ходисаларни ифодаловчи маънавий емирувчи манба сифатида намоён бўлаётганлигини тасдиқламоқда.

Қуйида, мазкур турдаги бир қатор медиамаҳсулотларнинг, жумладан, “**Milliy TV**” телеканалининг “**Иқроп**” теленовелласи, “**Sevimli TV**” телеканалининг “**Тақдирлар**” теленовелласи, “**Mening yurtim**” телеканалининг “**Буни ҳаёт дейдилар**” теленовелласи

ва “**Zo‘r TV**” телеканалининг “**Сабоқ**” теленовелласи контент-таҳлилини ўтказишга уриниб кўрилди.

Шунингдек, хусусий телеканаллар орқали намойиш этилган ва этилаётган қуйидаги филмларга нисбатан ҳам контент-таҳлил ўтказилди:

- “**Zo‘r TV**” телеканалдаги “Психолог”, “Қил устидаги тақдир”, “Қора бева”, “Мавсум” миллий сериаллари, шунингдек, “Хукм” ва “Ота” турк сериаллари;

- “**Sevimli TV**” телеканалининг “Интиқом алангаси”, “Синглим..” ва “Гуноҳлар сояси” миллий сериали, шунингдек, “Оила учун” ва “Кўрғон сирлари” турк сериали;

- “**Mening yurtim**” телеканалининг “Бағритош”, “Бегона”, “Зайнаб билан қолинг бегим”, “Умид”, “Қодирхон”, “Ўжар ҳомиладор”, “Асал ва Шодия”, “Бегона”, “Номус” ва “Оловли юрак” миллий сериали, шунингдек, “Қалбим эшигини қоқ” ва “Хукумдор Усмон” турк сериали;

- “**Milliy TV**” телеканалининг “Аёл қасоси”, “Ёлғиз кўйинг”, “Бойхоним”, “Тухмат гирдоби”, “Аламзада”, “Севги”, “Иккинчи ота”, “Йиғлаган қизлар”, “Сўнгги бор”, “Бадавлат гадоилар” ва “Қақнус” миллий сериали, шунингдек, “Видо мактуби” ва “Муҳташам юз йил” хорижий сериалининг бевосита контент-таҳлили амалга оширилди.

Унга кўра, бир нечта хулосалар шаклланди:

- мазкур сериаллар сценарийсининг умумий кайфияти салбий (агрессив кўзғатувчи, конфликтотен, стрессни юзага келтирувчи) мазмун касб этади (тушкунлик, аламзадалик, нафрат, ёлғон, алдов, ҳиёнат, тажовуз, суиқасд, хасад, кўролмаслик, қасос, ўч олиш, ҳийла, найранг, гаров ва ҳ.к.);

- фильм мақсади мавхумликка эга бўлиб, унинг бош ғояси жамият учун ижтимоий аҳамият касб этмайди, аксинча ўта маиший ва саёз воқеяликни ифодалайди (фильмни тўлиқ кўриб чиқиб яхлит хулоса шаклланмайди);

- жамиятда ўрнатилган қадриятлар, ахлоқ-одоб меъёрларига зид бўлган тушунчаларни тўғридан-тўғри ёки билвосита гавдалантиради (кўшхотинлик, яқин қариндошлар ўртасидаги ишқий алоқалар, ахлоқсизлик, фахш, интим, жиноий авторитет, бировнинг хисобига кун кўриш ва ҳ.к.);

- ҳуқуқбузарлик, жиноий ҳатти-ҳаракатлар ва салбий иллатларни сахналаштиришдаги меъёрлар бузилган (тухмат, ҳақорат қилиш, ўғрилик, товламачилик, фирибгарлик, уюшган жиноятчилик, баданга оғир тан жароҳати етказиш, одам ўлдириш, уюшган жиноятчилик, махфий уюшма тузиш, мафия, номусга тегиш, маиший зўравонлик, аёллар ҳуқуқларини топташ, гиёҳвандалик, қора дори, психотроп моддалар ва ҳ.к.)

- чет эл филмларидаги тарихни сохталаштириш (геосиёсий манфаат нуқтаи назаридан), муқаддас ва инсон руҳиятига кучли таъсир этиш хусусиятига эга бўлган рамзлар, маълумотлар, фактлар орқали жамият ижтимоий фикрга салбий таъсир қилиш, шунингдек, мавжуд сиёсий тизимга нисбатан ўзаро солиштириш, объектив тафовутларни юзага келтириш ва жамият фикрини ўзгартириш ва чалғитиш;

- фильмларнинг давлат ва жамият ривожига хизмат қилувчи устувор ғоя ва мафкураси билан ўзаро алоқанинг йўқлиги, шу ўринда, фуқароларда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан эътиборли бўлиш, ватанни севиш, унинг тараққиёти учун фидокорлик ва жасорат кўрсатиш, амалдаги давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш руҳиятини шакллантиришга қаратилган концептуал қарашларнинг йўқлиги;

- фильмларни суръатга олишда иштирок этаётган аксарият санъаткорларнинг нопрофессионал ижроси, сценарийнинг мукамал эмаслиги, шунингдек, ижронинг саёз импровизация асосида кечаётганлиги.

Юқорида оммабоп хусусий телеканаллар намоёиш этилаётган теленовеллаларнинг айрим сонларига нисбатан ўтказилган контент-таҳлил натижалари, медиамахсулотларнинг мазмун-моҳияти, бош ғояси, аудиторияга таъсири ва оқибатлари нуқтаи-назаридан қуйидаги хулосаларни илгари суришга туртки бўлди:

биринчидан, мазкур медиамахсулотлар Ўзбек халқининг бой тарихи, анъаналари, урф-одатлари, ўзига хос миллий кадриятлари ва менталитетига зид равишда ёпик мазмундаги (табу) мавзуларни гавдалантириши (яқин қариндошлар ўртасидаги ишқий муносабатлар ва жинсий алоқа), шу ўринда, намоёиш этилиши халқ орасида ушбу вазиятларга нисбатан танқидий фикр, тоқатсизлик шаклланиши, бу борада қарши профилактик чора сифатида эътироф этилишидан кўра, аксинча уни тарғибот-ташвиқот қилинишига, жамият ижтимоий онгига янги бузғунчи ғоя сифатида сингиб кетишига, онг остига салбий импульс беришига хизмат қилувчи манба вазифасини бажармоқда;

иккинчидан, ушбу медиамахсулотлар ва уларнинг бевосита намоёиш этилиши шарқона маданиятга асосланган кучли фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этувчи оила институтининг фундаментал негизларига жиддий зарар келтириб, бу борадаги мавжуд кадриятлар ва маънавий тўлдирувчиларни, бир неча асрлик одоб-ахлоқ нормаларини рад этиб, ахлоқсизликдан иборат янги қарашларни жамият ижтимоий ҳаётига меъёр сифатида олиб қираётган (хиёнат, зино, зўрлаш, фитна), шу ўринда, инсон эҳтиёжларини, нафсини ва инстинктларини барча ахлоқий фазилатлардан устун қўйиб салбий истеъмолчилик жамиятини юзага келтирувчи ғоявий таҳдидга айланмоқда;

учинчидан, мазкур теленовеллани тасвирга олиш ва сахналаштиришга асос бўлувчи сценарий маънавий ва адабий жиҳатдан саёз бўлиб, унга кўра, кўтарилаётган мавзу доирасидаги муаммо, салбий иллат ва жараён видеотасвирда шу қадар деталлаштирилган (алоҳида урғу берилган, чуқурлаштирилган) тарзда акс этирилганки, бу шахсининг маънавий иммунитетидан қатъий назар унинг онг ва онг остига, хусусан, руҳиятига, феъл-атвориغا, хиссиётларига ва бевосита яшаш тарзига фаол салбий таъсир ўткази олувчи кучга эга;

тўртинчидан, ушбу контент ва хусусий телеканал ижодкорлари медиамаҳсулотнинг ва телеканалнинг рейтингини ошириш, бунга мос равишда аудитория хажмини кенгайтириш мақсадида, теленовелланинг эфирга қўйилган сонларини “Ютуб” видеохостингига, мазмунидан қатъий назар, умумий масалага яқин, бироқ ҳақиқатдан йироқ, семантик жиҳатдан обуначилар, томошабинлар эътиборини кескин ўзига қаратувчи, маънан бузуқ номлар остида (“Шилқим қайнота”, “Келиним бегона эркаклар билан юраркан”, “Жиянимнинг отасиман”, “Уч йигит бир қизни зўрлади”, “Дўстимнинг аёли менга ёқади” ва ҳ.к.) жойлаб келишмоқда.

бешинчидан, теленовелла доирасида олиб чиқилаётган масалалар мавзусининг 85%дан ортиғи ижтимоий нуқтаи назардан паст аҳамиятга эга, асосан маиший характердаги, бироқ фуқаролар ижтимоий кайфиятига агрессив импульс берувчи, уларда нафрат уйғотувчи, ўз навбатида жамиятда ТВга нисбатан, қолаверса давлат ахборот хавфсизлигига ҳамда ахборот макони тасарруфига масъул бўлган органларга нисбатан салбий фикр-мулохазаларни шаклланишига сабабчи бўлмоқда;

олтинчидан, фуқаролар онгига, бевосита жамият ижтимоий қадриятлар тизимида салбий таъсир этаётган, маънавий жиҳатдан таҳдидни юзага келтираётган деструктив ғоялардан иборат теленовелла айрим сонлари видеоматериаллари, телеканалларнинг, шу билан бирга хаваскор платформаларнинг интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлардаги ҳамда видеохостинглардаги блогларида ҳозирги вақтга қадар сақланиб, ихтиёрий ахборот истеъмолчилари учун ундан ҳеч бир тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятини бериб келмоқда, яъни, жамият олаётган зарар тизимли равишда давом этиб келмоқда.

Фуқароларни маданий ҳордиқ чиқаришини таъминлаш мақсадида эфирга узатилаётган, бироқ, улар онгига ёпиқ, муҳокама қилиниши мавжуд ижтимоий нормаларга асосан мақсадга мувофиқ кўрилмайдиган мавзуларни юмор объектига айлантириб, пировардида, жамият орасида ахлоқсизлик, интим, фахш, Ўзбек жамиятига зид бўлган хулқ-атвор шакллари онг остига сиздираётган турли ҳил кўнгилочар ва ҳазил-мутойиба лойиҳалар, шунингдек, ушбу йўналишдаги концерт дастурлари.

Бизга маълумки, хусусий телеканаллар аудиториясини кенгайтириш, телеканал рейтингини кўтариш ва бошқа телеканаллар билан рақобатбардошлигини оширишнинг асосий воситаларидан бири – бу кўнгилочар, ҳажвий ва реалитий шоулардир.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган оммабоп миллий хусусий телеканалларда аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб ва телеканал стратегиясига мувофиқ кўнгилочар ҳамда ҳажвий мавзудаги медиаконтентлар намойиш этиб келинади.

Хусусан, ушбу йўналишдаги дастурларни яратиш ва ҳавола этиш борасида “Zo‘r TV” телеканали **24.8%** кўрсаткич билан пешқадамлик қилмоқда, ундан сўнг эса “Sevimli TV”, “Milliy TV” ва **4.6%** кўрсаткич билан “MY5” телеканали қайд этмоқда.

Мазкур йўналишдаги медиамаҳсулотларнинг аҳоли онгига салбий таъсирини янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, бир нечта ҳалқ орасида машҳурликка эришган юмористик гуруҳлар лойиҳалари, дастурлари ва концертларини контент-таҳлил қилишга уриниб кўрилди. Айтиш мумкинки, мавжуд маълумотларнинг контент-таҳлили хусусий телеканаллар орқали намойиш этиладиган оммабоп кулгу, ҳажвия ва ҳазил-мутойибалардан иборат лойиҳалар ва концертлар бевосита олиб чиқиладиган мавзунинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда фуқаролар онги ва онг остига, уларнинг кадриятлар тизимига ва феъл-атвориغا, шунингдек ҳаёт тарзига салбий таъсир этмоқда.

Хусусан, салбий таъсирни юзага келтирадиган асосий жиҳатлар қуйидагиларда кўринмоқда:

- ҳазил-мутойибаларнинг энг кўп тилга олинadиган мавзулари орасида биринчи навбатда Ўзбек жамияти учун салбий саналган ахлоқсизлик, интим ва фахшга, ундан сўнг, наркотик моддалар истеъмоли, ичкилик ва чекиш мавзусига, шунингдек, жамият ижтимоий кадриятларига зид бўлган тушунчаларга (ЛГБТ ва бошқа) қаратилган;

- айнан салбий саналган тушунчалар ёки жараёнларни тўғридан-тўғри эмас, балки томошабинлар учун яримпардаланган тарзда қизикарли (диққатни қаратадиган, эътиборни тортадиган сўз ўйинлари, ҳалқ орасида тарқаган эротик латифалардан ярим иқтибос усулида) қилиб ижро этиш;

- кулгуга йўғирилган, ўз ўрнида танқид остига олинган ахлоқсиз иллат ёки жараённи, аксинча тарғиботига йўл очилаётгани;

- жамиядаги салбий иллат ёки жараённи ҳаммага маълум бўлган шоу-бизнес вакили ёки бошқа бир таниқли шахс билан тўғридан-тўғри боғлаш (феъл-атвор, антропологик кўрсаткич, қораловчи маълумот ва турли миш-миш ҳамда шов-шув) амалиётининг одат тусига киргани;

- кулгу объекти сифатида олиб чиқилаётган масалаларнинг аксар қисмини ўта саёз бўлган маиший аҳамиятдаги тушунчалар ташкил этмоқда;

- давлат, ҳокимият, ижро аппарати ва сиёсатга бағишланган юморларнинг профессионаллик даражасининг паст эканлиги, бунда фуқароларни бир мақсад йўлида ўзаро бирлашишга, давлат ва жамиятни ривожлантиришга сафарбар қилишга қаратилган чақириқларнинг йўқлиги;

- ушбу контентларнинг фуқароларга салбий таъсири натижасида, аҳолининг катта қисми рационал тафаккур қилиш қобилиятида, эстетик ва бадий дидида тизимли саёзлашиш тенденцияси юз бермоқда;

- ахлоқсизликка йўғирилган оммабоп ҳазил-мutoйибаларнинг жамият орасида ижтимоий трендга (норасмий “халқ оғзаки ижоди”) айланаётгани тенденцияси;

- кўтарилиб чиқилаётган айрим мавзуларнинг зарар кўлами ушбу лойиҳа ёки концертнинг давомийлиги ёки тизимлилиги ҳажми билан эмас балки семантик жиҳатлари билан ғоявий таҳдидни юзага келтирмоқда (инсон онгини ва онг остини зарарлаш вақт давомийлигига боғлиқ эмас).



Хусусий телеканаллар орқали намойиш этиладиган хажвий кўрсатувлар, кўнгилочар

дастурлар (жамоалар) ва концертларнинг ўзаро солиштирма контент-таҳлили диаграммаси

Таъкидлаш жоизки, бу йўналишдаги ижодий гуруҳлар ва жамоалар сўнгги йиллар ичида ўз атрофида катта аудиторияни йиға олди. Албатта бунга мамлакатдаги сўз эркинлиги, ахборот соҳасида амалга оширилган либерал сиёсатнинг бевосита таъсири катта роль ўйнади. Шу билан бирга, 2020-2021 йилларда дунё миқёсида юз берган “COVID-2019” пандемияси ҳам кўп маънода фуқароларни бўш вақтларида медиаконтентларга боғланиб қолишига объектив замин яратди.

Бундан ташқари, хусусий телеканалларда ушбу йўналишда эфирга узатилаётган яна бир нечта кўрсатувларнинг намоиши жамиятга, бевосита фуқаролар онги ва дунёқарашига тўғридан-тўғри таҳдид сифатида баҳоланмоқда. Хусусан, “**Milliy TV**” телеканалининг “**Ҳинди шоу**” кўрсатуви ва “**Sevimli TV**” телеканалининг “**Болливуд батл**” кўрсатуви доирасида кўплаб санъаткорлар Ҳиндистоннинг миллий рақсларини ижро этишади. Бироқ, ушбу жараёндаги айрим жиҳатлар, пировардида, салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда:

- айна вақтда, жамият ва фуқаролар томонидан давлатнинг миллий манфаатларини англаб етиш, миллий ўзликни шакллантириш, миллий ғурурни тиклаш, шунингдек, бир неча асрлик миллий қадриятлар ва урф-одатларга амал қилиш борасида сезиларли даражада тақчиллик кузатилаётган, шу ўринда, бу борадаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва маданий тарғибот-ташвиқот ишлари зарурий даражадаги самарасига эришиб улгурмаган шароитда, ўзга давлат маданиятини фаол тарғиб қилишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги (мазкур телеканалда Ўзбек маданиятини тарғиб қилувчи кўрсатув мавжуд эмас);

- кўрсатув доирасида, Ҳиндистон рақс маданияти, шунингдек, маълум бир филм ва сахна кўриниши сценарийсида кўзда тутилган кийиниш русуми, ижронинг айрим жиҳатлари ва импровизациянинг Ўзбек миллий қадриятлари ва кийиниш маданиятига мос келмаслиги ҳолатлари;

- санъаткорлардаги, ўзга давлат маданиятини тарғиб қилишга нисбатан иштиёқнинг баландлиги (фуқаролик позицияси билан боғлағанда жуда катта ғоявий таҳдид).

Ўз навбатида, маҳаллий ТВда чет давлатлар маданияти тарғиботида оид кўрсатувларни намоиш этиш масаласида, ушбу давлатларнинг Ўзбек маданиятига нисбатан муносабатини ҳам инобатга олиш лозим. Масалан, 2024 йилнинг 22 январь куни Ҳиндистоннинг Утар-Прадеш штатидаги буюк бобокалонимиз Захириддин Мухаммад Бобур масжиди ўрнида ҳиндулар ибодатхонаси очилди. Жумладан, ушбу ибодатхонанинг

очилишига шахсан Бош вазир Нарендра Модининг ўзи ташриф буюрди. Қолаверса, ушбу очилиш маросими вақтида ҳиндулар тўдаси вакиллари Бобурнинг расмини ёқиб юборишди.

Умумун олганда, хусусий телеканаллар орқали санъат, маданият, хордиқ чиқаришга қаратилган юмористик кўрсатувлар ва лойиҳалар ҳамда турли хил шоуларнинг муҳим жиҳати шундаки, айнан аудиториянинг катталиги омили, ушбу медиамаҳсулотлар ёки уларнинг ижодкорлари фаолиятидаги салбий тенденциялардан кўра катта аҳамиятга эга.

Шу маънода, фуқароларни жалб қилиш борасидаги бундай жисмоний ва виртуал механизмдан давлат муҳим миллий манфаатлари йўналишида, хусусан, давлат ва жамиятни устувор ривожланиш стратегиялари, миллий ғоя, миллий мафқурани амалга ошириш, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ислохотлар жадаллашувига фуқароларни ихтиёри равишда сафарбар этишда фойдаланиш мумкин.

Фуқаролар онгида ва яшаш тарзида таваккалчиликка асосланган ёндашув ва ҳаёт тарзини шакллантираётган телеўйинлар.

Таъкидлаш жоизки инсоният тарихида таваккалчиликка асосланган ўйинлар, қимор ва боша бирдан катта даромад кўриш имкониятини берувчи лойиҳалар доим оммабоп саналган ва кўпчиликни эътиборини тортиб келган. Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, ушбу ўйинлар жамиятнинг барча қатламлари учун умумий маъно касб этиб келган. Яъни, бунда бу каби тўсатдан бойиб кетиш режаси барча тоифадаги инсонларнинг психологик табиатига хос жараён аслида.

Шу билан бирга, аҳолисининг кўпчилик қисми миграцияда бўлган, ишсизлик даражаси юқори кўрсаткичларда бўлган ва ўртача даромад қиймати паст бўлган жамиятларда албатта қисқа вақт ичида даромад кўриш ғояси тез авж олади. Масаланинг моҳиятини яхши англаб еткан, ўз навбатида, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бу каби ўйинларнинг маҳсулот ёки хизмат савдоси билан боғлашга доир маркетинг сиёсатини амалга оширишга қодир бўлган кўплаб хусусий телеканаллар ўз эфирларида таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиб келмоқда.

Мавжуд маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, айни вақтда мамлакатдаги оммабоп миллий хусусий телеканаллардан фақатгина иккитаси, яъни, “Zo‘r TV” ва “MY5” телеканалларида бу каби телеўйинлар мавжуд бўлиб етарли даражада катта аудиторияга эга.

**Хусусий телеканаллар орқали намоиш этилаётган айрим
медиамаҳсулотларнинг эфир стратегияси (2024 йил январь-декабрь)**

№ т/р	Кўрсатув (дастур, контент) тавсифи	Бир ҳафталик умумий эфир вақтидаги улуши(фоизда, дақиқада)			
		“Zo‘r TV”	“MY5”	“Milliy TV”	“Sevimli TV”
1	Таваккалчиликка асосланган телеўйинлар	2% (210 д.)	1.7% (175 д.)	0%	0%

Қайд этиш керакки, бу каби телеўйинлар фаолияти бевосита синчковлик билан таҳлил қилинганда жамиятга нисбатан қуйидаги салбий таъсирлари аниқланди:

биринчидан, жамият орасида, фуқаролар онгида инсон салоҳияти ва кучи асосида ҳаёт кечиришнинг объектив қонуниятларидан чалғитувчи, таваккалчиликка асосланган ҳаёт кечириш, хусусан, бирдан бойиб кетиш ва катта даромадга эга бўлишни мақсад қилувчи ғойибдан келувчи омадга ишониб яшаш ғоясининг шаклланаётганлиги ҳамда ушбу ғоянинг кенг тус олгани;

иккинчидан, таваккалчиликка асосланган ўйинларнинг замонавий савдо маркетинг сиёсати билан боғланганлиги ортидан, фуқароларнинг ўз эҳтиёжи учун бирламчи бўлмаган маҳсулот ёки хизматларни катта миқдорда сотиб олиши, бунинг натижасида меъёрий даромад оқимидаги зарарни юзага келиши (қарз олиш ҳолатларининг ошиб кетгани);

учинчидан, фуқароларда ижтимоий ҳаётдаги у ёки бу масалалар юзасидан объектив ва рационал қарорлар қабул қилиши қобилиятига таваккалчиликка асосланган руҳиятнинг таъсири натижасида мавжуд ижтимоий институтлар ва давлат аппаратида нисбатан ишончнинг сусайиб кетиши;

тўртинчидан, фуқароларда таваккалчиликка асосланган тафаккурнинг ижтимоий трендга айланаётганлиги тенденцияси (тотализатор, онлайн казино ва бошқа букмейкерлик форматидаги ўйинларга боғланиб қолиш).

Шуни таъкидлаш жоизки, мавжуд маълумотлар таҳлили, хусусий телеканаллар орқали спорт ва соғломлаштиришга оид теледастурларни йўқ эканлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, болалар аудиториясига мўлжалланган медиамаҳсулотлар ҳам умумий эфир ҳажмининг жуда оз қисмини ташкил этмоқда.

**Хусусий телеканаллар орқали намоиш этилаётган айрим
медиамаҳсулотларнинг эфир стратегияси (2024 йил январь-декабрь мисолида)**

№ т/р	Кўрсатув (дастур, контент) тавсифи	Бир ҳафталик умумий эфир вақтидаги улуши(фоизда, дақиқада)			
----------	---------------------------------------	---	--	--	--

		“Zo‘r TV”	“MY5”	“Milliy TV”	“Sevimli TV”
1	Спорт ва соғлом турмуш тарзига оид кўрсатувлар	0%	0%	0%	0%
2	Болалар аудиториясига мўлжалланган кўрсатувлар	0.3% (30 дақ.)	0.1% (15 дақ.)	0%	5.4% (540 дақ.)

Қайд этиш керакки, бугунги кунда хусусий телеканаллар ўз фаолиятини самарали ташкил этиш, кўпроқ аудиторияни ўзига жалб қилиш ва юкори рейтингга эришиш мақсадида томошабинлар, хусусан мамлакат фуқароларининг ТВни кўриш қулай бўлган вақтларини инобатга олишади. Аини ушбу қулай вақт **прайм-тайм** деб аталади.

Бевосита ҳар бир оммабоп хусусий телеканал бўйича прайм-тайм тузилиши ва унинг ўзига хос жиҳатлари юзасидан бир қатор таҳлиллар амалга оширилди (8, 11, 14, 17-иловалар). Унга кўра, хусусий ТВ прайм-таймини шартли равишда 5 қисмга бўлиб олинди. Булар – **эрталабки** (06:30-08:30), **кундузги** (12:00-14:00), **кечки** (19:00-23:00), **дам олиш куни олдинги** (14:00-00:00) ва **дам олиш кунги** (10:00-23:00). Таҳлил қилинган барча телеканалларда прайм-тайм вақтида эфирга узатилаётган медиамаҳсулотларни тизимлаштирганда куйидаги кетма-кетлик шаклланди.

Хусусий телеканаллар орқали прайм-тайм вақти намойиш этилаётган медиамаҳсулотлар рейтинги (2024 йил январь-декабрь ойлари мисолида)

№ т/р	Кўрсатув (дастур, контент) тавсифи
1	Кино, сериал, теленовелла ва мусиқа (клип)
2	Санъат, маданият, кўнгилочар, реалитий ва ҳажвий кўрсатувлар ҳамда шоулар
3	Ижтимоий ва маиший мавзулардаги кўрсатувлар ва ток-шоулар
4	Янгиликлар, хабарлар, таҳлилномалар ва бошқа ахборот дастурлари
5	Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ток-шоулар ва дастурлар
6	Таваккалчиликка асосланган телеўйинлар
7	Болалар аудиториясига мўлжалланган кўрсатувлар
8	Интеллектуал ва илмий-маърифий кўрсатувлар
9	Спорт ва соғлом турмуш тарзига оид кўрсатувлар
10	Бошқа турдаги медиамаҳсулотлар

Хулоса ва таклифлар. Алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида телевидение масаласига тўхталиб “Савол туғилади: халқимиз телевизорни энг кўп кўрадиган пайтларда, яъни, “прайм-тайм” вақтида хорижий сериалларга катта ўрин бераётганимиз қанчалик тўғри? Бу олдимизга кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларни қўймоқда. Жумладан, миллий сериаллар ишлаб чиқариш бўйича мавжуд тизимни тубдан ислоҳ этиш, бу йўналишда ижодкорларимизни қўллаб-қувватлаш лозим”- дея таъкидлаши бежизга эмас.

Албатта бу борадаги мавжуд ҳолатни ижобий деб баҳолаб бўлмайди. Чунки, ТВнинг нафақат аҳолини бўш вақтларида банд қилиш, уларни маданий хордиқ чиқаришлари учун эҳтиёждаги контентларни эфирга узатиш вазифасини бажаради, балки, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, давлат ҳокимиятини ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш билан ҳам боғлиқ вазифаларни бажаради.

Шунингдек, тизимли равишда ахборот билан таъминлаб, аҳолининг сиёсий онги ва тафаккурини ошириш, қолаверса, турли хил ғоявий-мафкуравий таҳдидларга қарши ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун ҳам бевосита телеканаллар прайм-тайм вақтларида эфирга узатиладиган контентларни ҳажмини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ саналади.

Умуман олганда, Ўзбекистон жамиятида фуқароларни амалдаги давлат сиёсатини қўллаб-қувватлашга, уларни шахс, жамият ва давлатнинг муҳим манфаатларини тўлақонли англаб етган ҳолда умумий мақсад йўлида сафарбар бўлишга онгли равишда ундайдиган ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий жараёнлар тарғибот-ташвиқотидан иборат ахборот таъминотини амалга оширувчи ОАВга эҳтиёжи юқори даражада.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мавжуд вазият таҳлили ОАВ орқали фуқаролар сиёсий онги ва тафаккурини оширишга қаратилган контентларни тайёрлаш ва тизимли равишда узатиш ҳамда бевосита шахс ва жамиятга қаратилган ахборот маконидаги ғоявий таҳдидларни бартараф қилишга қаратилган механизм жорий этишни тақозо қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. – Т.: «Akademiya», 2001.
2. Эргашев И. Глобаллашув ва ғоявий-мафкуравий таҳдидлар. –Тошкент.: Университет, 2021.
3. Лассуэлл Г. Политика: кто достигает чего, когда и как?. - Москва : Институт научной информации по общественным наукам РАН, 2024.
4. Хабермас Ю. Теория коммуникативной деятельности. Том первый. Рациональность действия и социальная рационализация. Том второй. К критике функционалистского разума / пер. с нем. А. К. Судакова. — М.: Весь Мир, 2022.- 880 с.
5. Володенков С.В. Интернет-коммуникации в глобальном пространстве современного политического управления: навстречу цифровому обществу издательство. Проспект (М.) , 2021, 416 с.

6. D.Freelon, C.Wells. Disinformation as political communication. Political communication 37 (2), 145-156, 2020.

7. Ражабов Ҳ.И. Давлатнинг ахборот сиёсати: халқаро тажриба ва Ўзбекистон амалиёти, фан доктори диссертацияси автореферати, Тошкент 2024.

8. Турдиев У.Р. Марказий Осиё минтақасида киберхавфсизликни таъминлашнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари. Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати, 2024.

9. Таджикиев Ш. “Мягкая сила” во внешней политике Республики Узбекистан на современном этапе. Т.: 2020